



# ХАВАР

نېټېر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1993 йил, 5 март № 10 (49) ●

Нархи 5 сўм.

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Яқинда «Ўзбекистон почтаси» концерни ва Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ўртасида келишув ҳужжати имзоланди.

Келишув ҳужжатини имзолашга бағишланган йиғилишда шаҳар почта идораларининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар. Концерни раиси М. Н. Носирова қисқача кутубда бугунги, вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар шароитида почта идораларининг ишнини енгиллатиш ва давр талабига мослаб та қуришда ушбу келишув жуда ҳам қўл келишини айтди. Ҳозирги давр почтачилар олдида қандай муаммоларни кўндаланг қўймоқда? Ўзбекистондаги почта идоралари миллий хусусиятга эгами? Бундан кейинги ишларни қай тарзда ташкил этиш мумкин? Маърузачи бу ҳақда батафсил гапириб ўтди.

Давр ўзгариб бормоқда. Иқтисодий муаммолар почта идораларини ҳам четлаб ўтмади. Поезд, автобус, электр қуввати тўловларининг 30-50 фоиз ошиб кетиши алоқа ходимлари учун оғир синов бўлди. Энг нам даромадли соҳа ҳисобланмиш почта хизматини давлат тасарруфига ўтказиш кун тартибда турибди. Эндиликда асосий вазифалардан бири почтачиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қандай бўлмасин ишни юргизиб туришдан иборатдир. Зеро, икки идора ўртасидаги ўзаро келишувдан қўзланган мақсад ҳам шу.

Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси бошлиғи Т. Н. Назиржонов ушбу ўзаро аҳдлашув почта хизматчиларининг мушкуллини осон қилишда ёрдам беражagini айтиб ўтди.

Ҳар қандай жамиятда инсон намолати улдувор, диққатга молин муаммолардан бири ҳисобланади. Муаммо барчага бирдек дахлдир. Бир лаҳзага кечиккан хат, жўнатма, газета боис қўнгилсизликлар юз бериши, тақдирлар, умрлар ва қўнгилларда қутилмаган ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Инсон маънавияти давр янгиликларидан вақтида хабардор бўлиб боришни тақозо этади. Бунга ҳар бир почта хизматчиси ёддан чиқармаслиги лозим.

Алоқа хизмати ортида халқ манфаати ётар экан, почтачиларга бу борада қандай енгилликлар туғдирилди.

Келишув ҳужжатида концерни томонидан почтачилар маошини шароитга қараб уч баробар ошириш мўлжалланган бўлса, республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан почтачиларнинг санаторий ва тури оромгоҳларда оилавий дам олишлари учун 40 фоиз миқдорда бепул ҳамда имтиёзли йўлланмалар берилиши қўзда тутилган. Ҳар икки томон почтачиларнинг миллий кийими қандай бўлиши учун танлов эълон қилинажagini, ушбу танлов голибларини мўкофотлаш учун 20 миң сўм ажратилганини билдирдилар. Яна «Ўзбекистон почтаси» концерни вилоятлараро ўз қисмининг устаси танловини ўтказишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу танловда голиб чиққан энг яхши почтачилар октябрь ойида пул мўкофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Томонлар биргаликда «Очиқ хатлар кўни»ни ўтказишни ҳам мўлжаллашмоқда. Энди июнь ойида Навоий, октябрда Қорақалпоғистон, августда эса Тошкент шаҳар давлат почтаси корхоналарида байрам тантаналари бўлиб ўтади.

— Оғир шароитдан чиқиб олишимизда бу аҳдлашув бир восита бўлса ажаб эмас, — дейди «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси М. Н. Носирова. — Шу пайтга қадар алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси билан вазирлик орқали муносабатга киришардик. Бир галги йиғилишда ушбу келишув ҳақидаги фикрларимни билдирдим. Қаршилар бўлмади. Мана энди икки томон тўғридан-тўғри ўзаро иш олиб бораверамиз. Бугунги келишувдан қўзда тутилган мақсад почтачиларни ижтимоий муҳофаза қилишгина эмас, балки мустақил Ўзбекистон почтасини миллий қадриятларимиз асосида ривожлантириш ва шу аснода бизга ноанъанавий ҳисобланган жаҳон почтаси ютуқлари даражасига эришиш учун имкониятлар қидиришдан иборатдир. Бунга қодирлигимиз йўқми — бунга вақт кўрсатади. Эзгу ниятимиз эса қатъийдир.

Ю. РАСУЛ,  
«Хабар»нинг махсус мухбири



Баҳор табассуми

Суратнам Р. ШАРИПОВ

**БУГУНГИ СОНДА:**

- ПОЧТАЧИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДА ЯНГИ ҚАДАМ
- СИДАРЕЛИК АЛОҚАЧИЛАР ХИЗМАТ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШМОҚЧИ
- ҲИСОБ-КИТОБ ПУХТА БУЛ, СА...
- БУЮК ШОИРНИНГ ЎЛМАС САТРИ ШАРҲИ
- ЙУЛОВЧИ МАНФААТИНИ КИМ УЙЛАЙДИ?

**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:**

- ТЕЗКОР АЛОҚА САМАРАСИ
- ТАҚДИР ТАРОЗИГА ТОРТАР...
- КИМГА ФОВДАЮ КИМГА ЗАРАР?
- БУ ЙУЛ МЕНИНГ — АРМОНИМ ЙУЛИ
- СИЗ ЯХШИ ҚУШНИМИСИЗ?



# ОЛАМДА НИМА ГАП?

- ВОҚЕАЛАР
- ЯНГИЛИКЛАР
- ХАБАРЛАР

● **Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганига бир йил бўлди.** Утган даврда давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўи янада ошди.

● **Ўзбекистон Президентини И. Каримов «Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорига қўл қўйди. Умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқланди.

● **Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳамкорлиги ва тараққиётига ёрдам бериш Халқаро ассоциациясининг «Новый день»** газетаси чоп этила бошлади. Унинг биринчи сонида Марказий Осиё давлатлари ҳаётига оид энг муҳим янгиликлар ўрин олган.

● **Сургутда иш кўрган МДХга аъзо Болган жумҳуриятлар ҳамда Болтиқ бўйи ва Грузия давлатлари ҳукумати раҳбарлари** Инглиш Россиянинг нефть ва газ саноати билан ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама этди. 14 делегация аъзолари собиқ СССРнинг ҳамма ҳудудига юз бераётган ёнлиги инқирозини кўриб чиқишди.

● **38 ёшли генерал мажор Руссан Ашвеш Ингушетиянинг биринчи президенти қилиб сайланди.** Фақулдада ҳолат бекор қилинмаган бўлса ҳам Россия таркибига кирувчи бу жумҳуриятдаги сайловда қатнашганларнинг 86 фойзи афрон жангининг қаҳрамони учун овоз беришди.

● **АҚШ президенти Билл Клинтон шу йил 4 апрелда бўладиган Америка ва Россиянинг олий даражадаги учрашувига катта қизиқиб билирмоқда.**

● **Свердловск вилояти касаба уюшмаси федерацияси «Хар бир хонадонда телефон бўлсин»** дастурини ўртага қўйди. Бугунги кунда вилоят бўйича 1 миллион киши телефон олиш учун навбатда турибди. Бу муаммо кўп йиллардан буюн ижобий ҳал қилинмай келмоқда.

● **«Москва» меҳмонхонасида Догистон Олий Кенгаши депутати «Давғодстрой» трести бошқиси Тотурбиевнинг жасади топилди.** Илқуварлар бу қотилликнинг туб сабабларини ўрганишга киришишди.

● **Албаниянинг собиқ раҳбари Анвар Ҳожи,** шунингдек Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталиннинг китоблари нашриёт омборидан гўппадан тўғри тоза қоғозга айлантириладиган бўлди.

● **Италия полицияси Швейцариядаги банклардан бирида номаълум ҳисобни фош қилди.** Бу сўд кучлар (собиқ коммунистик) партиянинг хуфёна пули деб гумон қилинмоқда.

● **Кейинги 40 йил ичида Португалияда биринчи марта қор ёғди.** Гуллаётган борроғлар оппоқ қор остида қолди.

Ҳозирги беҳаловат кунларда ортиқча даҳмазага ҳожат йўқ дейишга ўрганиб қолганмиз. Гулiston шахридаги Олим Ҳужаев номида музикавий-драматик театрга ўтказилган вилоят алоқа ходимларининг анжуманида ўтган йили амалга оширилган ишларга яқун асосиб, бу йилги зарурий юмушлар муҳокама этилганига гувоҳ бўлдим. Зеро, бир неча соат ўз ишини қўйиб келган почтачиларнинг ҳар бир дақиқаси ҳисобли. Уларнинг қимматли вақтини олиб, қанчадан-қанча бу хизматта зориқётган мижозларнинг сарсон бўлишини кўз олдингизга келтириш ҳам қийин эмас.

Тан олиш керакин, почта ходимлари меҳнатини енгиллаштириш, замонавий хизмат бинолари қуриш, меҳнат шариоти яратиш узоқ вақт эътибордан четда қолиб келгани ҳеч кимга янглик эмас. Кўпинча алоқа хизматини иккинчи даражада кўриш деб қаралгани ҳам бор гап. Ваҳоланки ривожланган мамлакатларда бу хизматни ўз ўрнига қўйиб, унинг ниҳоятда тезкор бўлишини таъминлашга эришиб келинган. Ана шу фикрлар хаёлимдан ўтаркан, бевосита вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш давлат корхонасининг бошлиғи М. Қиличеванинг куйидаги сўзларини келтирмасдан иложим йўқ:

— Ҳозиргача замонавий хизмат биносига эга эмасмиз. Корхонамиз ходимлари олти жойда иш кўришади. Шу ҳолатда уларнинг фаолиятини назорат қилиш, бошқариш қовуштиришнинг ўзи бўладими? Кундалик матбуот нашрларини тарқатиш жойи мутлақо талабга жавоб бермайди. Қишлоқлардаги алоқа бўлими биносининг ҳолати ночор эканигини айтишга одам уялади. Аммо шунга қарамай ҳадеб муаммоларни пеш қилмавермай, зиммаимиздаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда аҳолига намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

М. Қиличеванинг корхонага бошлиқ бўлиб келгани ҳали бир йил бўлгани йўқ. Янги раҳбарнинг ҳаракатчанлиги, айтган сўзининг устидан чиқини, ходимларга ва ўзига талабчанлиги боис оғир иқтисодий шароитларда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Утган йил апрелда корхона 640 минг сўмлик зарар билан кун кўрарди. Йили эса 1 миллион 115 сўмлик фойда билан якунлашди. Вилоятдаги 12 та шахар ва туман алоқа бўлимлари ўртасида Гулiston, Янгиер, Сайхунбод, Деҳқонобод, Сирдарё, Шароф Рашидов номидаги бўлими почтачилари олиб бораётган ишни қайд қилиб ўтиш жоиздир:

Иқтисодий мушкулот ҳар бир корхона олдида ўзига хос муаммоларни рўпара қилмоқда. Бугунги режани эртага қайта кўриб чиқишга тўғри келаётганини айтмасам ҳам бўлади. Утган йили чўлқуварларга алоқа хизмати кўрсатиш учун 19 миллион 666 минг сўмлик харажатлар режалаштирилган эди. Йилнинг охирига келиб бу рақам салкам икки баробарга ошиб кетди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ етмаётир. Пулнинг қадри борган сари тушиб бормоқда. Шу шароитда почтачиларнинг ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларнинг маоши бир оз бўлсада оширилди. Аммо бу билан жамми муаммони ҳал қилиш қийин. Олинган фойда хусусида фикр юритилар экан, бунга ўта ишбилармонлик ва мавқуд имкониятлардан тўла фойдаланиш эвазига эришилганини айтиб ўтиш кифоя. Шароитдан келиб

дан кундалик нашрларни олиб кетиши учун 11 минг 648 сўм туланмоқда. Бу эса ўз-ўзидан харажатларнинг ошиб кетишига олиб келаётир.

Кўпинча тахририятлар газета тарқатиш учун почтачиларнинг ҳаддан ортиқ хизмат ҳақи ошаётганидан холишади. Икки ўртада тушумовчиликлар келиб чиқади. Афсуски, нарх-навоини кун сайин ўзгариши алоқа соҳасини ҳам четлаб ўтмаганини айримлар бирдан тушуниб етмаётир. Тушманларга газета жўнатиш учун ҳар кун автокорхонадан 17 машина ижарага олиниб, уларнинг ҳар бирига 8-9 минг сўмдан хизмат ҳақи тўланади. Бу эса нашрлар устига тийинлаб қўйилгани билан харажатларни тўла қўлай олмайди. Боз устига почтачилар учун ажратилган транспорт воситалари ҳар доим сафарга чиқа олмайди. Уларнинг но-

жалланган 50 кишининг малакасини ошириш кўзда тутиляпти. Алоқачилар ўртасида маҳаллий миллат вакиллари жуфта кам. Улар бор-йўғи 37 фойзга ташкил этади.

Чўлқуварларга алоқа хизмати кўрсатиш ва уни бугунги кунда янада яхшилаш учун нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида бир гуруҳ сирдарёлик почтачиларга мурожаат этдим.

**Н. РАҲМОНҚУЛОВА — Димитров алоқа бўлими масъули бошлиғи:**— Ютуқлар ҳақида гапирини унчалик ёттирмайман. Чунки биз нима қилсан, халқимиз учун қиламиз. Шу боис ишимиздаги камчиликларни изчилик билан йўқотиб бориш керак. Транспорт хизматининг ўта ноқулайлиги бизга панд бермоқда. Бу ҳолат кўп муаммоларни юзага келтириб чиқараётир. Ҳар бир ходимнинг ўз ишига ҳақлиқ бўлиши учун курашяпмиз. Орамизда қўли эгрилар бўлмаслиги лозим.

**Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ — Деҳқонобод алоқа бўлими масъули бошлиғи:**— Ҳар бир ходим ўз аравасини ўзи тортиши керак. Бировнинг юмушини бажариш мушкул. Тўғри, ишимизда ютуқлар ҳам йўқ эмас. Аммо бу зиммаимиздаги масъулиятдан бизни соқит қилмайди. Транспортчилар, ижтимоий таъминот бўлими ходимлари, банк тизими масъулари билан ҳамкорликда иш тутишга кўп нарса қўлимиз.

**Л. СОРОКИНА — Сардоба алоқа бўлими масъули бошлиғи:**— Кўпинча етарли миқдорда мол ололмаймиз. Харидориги маҳсулотлар келмайди. Яхши китоблар чиқарили тавқимлар йўқ. Боз бу эса ишимизга тўқинлик қилади. Биз фақат газета ва журнал сотиш билан чегараланиб қолмаслигимиз лозим. Шу боис бизга ҳақ ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномалар тузишга руҳсат этилса айна мундоо бўларди.

Вилоят почтачилари Инглишда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг ўринбосари, «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси М. К. Носирова алоқачилар олдида турган энг долзарб вазифалар хусусида гапириб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Анжумандан сўнг бўлиб ўтган бир пилла чой устидаги гурунгда бир гуруҳ меҳнат илгорларига қимматбаҳо совгалар топширилди. Маҳаллий санъаткорлар куй ва қўшиқларни ижро этишиб, заҳматкаш почтачиларнинг дилини хушунд эттишди.

И. УСМОНОВ

## ПОЧТАЧИНИНГ ЮКИ ЕНГИЛ ЭМАС

ШУНГА ҚАРАМАЙ СИРДАРЕЛИК

АЛОҚАЧИЛАР АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ  
КўРСАТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШМОҚДА.

чиқиб хизматдаги машиналар сони 8 тага қисқартирилди. Бир қатор самара бермаётган алоқа бўлимлари ёпилди. Хизматчилар сони ҳам қисқарди.

— Биз бу тадбирларни ишимиз равон кетаётганидан амалга оширмадик,— дейди М. Қиличева.— Бугун эса фаолиятимизни қайта кўриб чиқишга тўғри келмоқда. Ортиқча қисқартирилшлардан воз кечиб, аҳоли учун зарур бўлган алоқа бўлимларини қайта тиклапмиз. Утган йилгидек яна ҳафтасига беш марта хат-хабарлар, газета ва журналлар тарқатишни йўлга қўйдик.

Газета тарқатиш почтачилар зиммасидаги масъулиятни вазифалардан биридир. Аслида хизматнинг бу тури ҳеч қандай даромад келтирмайди. Алоқачилар обуначиларга ўз вақтида матбуот нашрларини етказиб бериш учун ўз ёнларидан, аниқроғи бошқа хизмат турларидан тушган фойда ҳисобига иш кўришмоқда. Ҳозирги кунда кўриниб бораётган бир машинанинг Тошкент-

созлиги, ёнлиги етмаслиги боис кўпинча хат-хабарлар, матбуот нашрлар ўз эгаларига вақтида етмай қолаётир. Ана шу ҳолат ҳам кўпчиликда ноҳуш кайфият уйғотмоқда. Вилоят почтачилари кундалик нашрларни тарқатишда шахсий машиналардан фойдаланишни режалаштиришмоқда. Шу йўл билан катта миқдордаги маблағ иқтисод қилинишига уларнинг имони комил.

Малакали ва ўз ишини пухта биладиган почтачилар ҳар доим қадрланиб келинган. Корхонада кўп йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келаётган Валентина Климух, Мавлонкул Исмоилов, Норбўта Худойшукуров, Гуляёв Зиёғидиновалар билан жамоа ҳақида равишда фахрланса арзийди. Аммо шунинг айтиш лозимки, корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг 48 нафари соҳа бўйича махсус маълумотга эга. Утган йили 3 нафар киши олий тахсил олди. 38 нафар почтачининг малакаси оширилди. Бу йил 20 нафар ёшга алоқа қоллежига ўқишга юбориш мў-



Меҳнат илгорларини мукофотлаш

Почта қабул қилинмоқда  
Сураткаш Р. ЖАППАРОВ

• Танловга

Навойи 26. Узоқдаги таниш-билишлари билан телефонда сўзлашувчилар бу маскани яхши билишади. Доим одамлар билан гавжум бўладиган бу манзилда Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг ҳисоб-китоб бўлими жойлашган. Бўлим операторларига бировлар ташаккур айтиб, яна бировлар эса, нималариндир тушинтирмоқчи, исботламоқчи бўлиб асабийлашайётганлари кўча деразаларидан шудожқина кўриниб туради. Бу манзарани бироз кузатиб тургач, бўлим бошлиғи Моҳира Абдуллаевага саволлар билан мурожаат этдик:

— Моҳира Хидматидиновна, ишингизда ҳамма вақт ҳам шунга «ажаб савдолар» бўлиб турадими?

— Сиз агар абонентларнинг муомалаларини назарда тутайтган бўлсангиз, ҳозирги кўрганларингиз «холо» деса ҳам бўлади. Беш қўл баробар эмас. Кўпчилик самимий, ҳатто ҳазил-мутойибалар билан керакли маълумотларни олиб, раҳмат деб кетишади. Эгаллар турган лавозимларини, уювонларига санаб ўтувчилар ҳам, тилларига эрк берувчилар ҳам учрайди. Биз эса фақат далиллар ва рақамларга таянаемиз. Электрон ҳисоблаш машиналарининг «хотираси» жуда кучли. Дисплейларимиз эса абонентнинг кўзи ўнгиде экранда унинг телефонида қачон, қайси шаҳар билан, қанча вақт гаплашилгани ва қанча тўланиши лозимлигини ёзиб кўрсатади. Агар абонент шунда ҳам гаплашганига иқрор бўлмаса, тўлов қозонига қараб, унда кўрсатилган шаҳардаги телефонга кўнгирок қилиб суриштирамиз.

Баъзида кўп кишилик оилаларда шундай ҳоллар ҳам бўладики, оила аъзоларидан бири ёки бирон таниш-билишлари телефонда код орқали гаплашади, лекин бундан оиланинг бошқа аъзолари бехабар бўлишади. Яқинда ёши катта, басавлат бир одам: «Бу қанақаси? Суриштирмай нетмай бизга тўлов қозони юборибсизлар. Бизни бошқа шаҳарларда телефон қиладиган кишиларимиз йўқ. Сизлар ўзи нима қилиб «ўтирибсизлар?» деб дашоним бера бошлади. Тўлов қозонига қараб, Чирчиққа кўнгирок қилдик. Маълум бўлишича, отанинг бир набираси Чирчиқдаги бизда телефон рақами кўрсатилган оиланинг қизига тез-тез кўнгирок қилиб турар, бу сирни эса ҳеч кимга айтмас экан. Мен ҳеч нарса демасамда, ҳақиқатини билгач, ота жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Уларга далла бериб, яхши гапириб кузатиб қўйдим. Шунга ўхшаш воқеалар жуда кўп бўлади.

— Ҳозирги Сиз айтган машиналарингиз яна қандай вазифаларни бажаради?

— Бу борада Республика ахборот ҳисоблаш маркази билан ҳамкорликда шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланувчиларнинг сўзлашувлари учун ҳақ тўлашга оид бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олган автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилган ва у бир йилдан бери муваффақият билан амалда фойдаланилмоқдаки, натижада ишимизда юксак аниқлик, ҳозиржавобликка, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини оширишга эришдик. Шунга оид операторларимиз бажа-

фаолияти билан боғлиқ. Улар билан муносабатларимиз яхши. Ўзaro англашилмовчилик ва эътирозларимизни зудлик билан биргаликда ҳал қиламиз, лекин афсуски, шаҳар телефон тармоғи ва почта хизмати соҳасида бундай дея олмаймиз. АТС жиҳозларидаги носозликлар, линия, кабеллардаги нуқсонлар, айниқса блокираторлик телефонлар номерларининг алмашиб қоллиши ҳоллари, ёки бир оила ё корхона телефонидан амалда шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланганлиги қайд этилган бўлганда, абонентлар «бу вақтда телефонимиз ишламаган

кинчи АТСга ўтказилади. Биз ҳужжатларимизга ўз вақтида керакли ўзгартишлар, тузатишлар киритиб борамиз, лекин биз ҳам фаритталар эмасмиз. Бирон янглишмовчиликлар бўлиши мумкин. Ҳарқалай, у ёғи энди абонентнинг виждонига ҳавола.

— Қандай ҳолда абонентларнинг телефонлари ўчириб қўйилади?

— Биз ҳар куни Республика ахборот ҳисоблаш марказига шаҳарлараро сўзлашув ҳақида маълумот берамиз. Бу маълумотлар электрон ҳисоблаш машиналарига киритилади ва унинг «хотирасида» бир йилгача, қарздорлар ҳақидаги маълумотлар эса уч йилгача сақланади (шунинг учун абонентлар ҳам пул тўлаганликлари ҳақидаги ҳужжатларини уч йилгача сақлашлари керак). Машина «кўриб» чиқанидан кейин абонентларга тўлов қозонларини юборамиз. Шунда ҳам натижа бўлмаса, кейинги ойда ўзимизнинг шаҳарлараро роботимизга «буйруқ» берамиз. У эса шаҳардаги мавжуд 21-АТСдан то 91-АТС-

са, почта орқали эслатма юборамиз. Бундан ҳам натижа чиқмаса, телефон ўчирилади ва абонент қарзидан ташқари телефонини улаш учун 25 сўм жарима тўламагунча қайта уланмайди.

— Касбдошларингизда қандай фазилатлар бўлиши зарур деб ҳисоблайсиз?

— Аниқлиқ — ишимиз мезонидир, шунинг учун вазифамиз юксак интизом ва пухталанини тақозо этади. Бизга келувчилар аксарият ҳолларда эътирозлар ва даъволар билан келишади, бу эса ходимларимизнинг ширинсухан ва вазимин бўлишларини, айниқса ногиронлар, кексалар, нафақахўрлар билан мулоқотда ширин муомала ва тежорлик билан ишлашларини тақозо этади. Шу маънода бўлимимизда кўп йиллардан буён бенеуқсон ишлаб, одамлар қалбига йўл топиб ишлаётган, ёшларга меҳр билан ўз билим ва тажрибаларини ўргатиб келётган Маъсуда Азизова, Гала Абдураимова, Лена Ҳасанова, Дилдора Валиева, Рима Расулова каби илгорларимиз борки, улар бошқаларга ҳамма соҳаларда ўрнак бўлишмоқда. Бизда фақат хотин-қизлар ишлашади, шунга қарамай айрим шахсларнинг операторларимизни хафа қилишларини, ўринсиз таъна, алолатсиз ҳақоратларга асаблари дош беролмай, қизларимизнинг кўз ёшлари шашқатор бўладиган ҳоллар ҳам учраб туришини, эслаб, одамларга, «эй азизлар, шусиз ҳам асаблар таранг тортилган бир вақтда келинг, бир-биримизга гамхўр, меҳр-оқибатли бўлайлик» дегим келади.

— «Хабар»га муносабатингиз...

— Ишимиз ахборотларни ўз вақтида тўплаш, ишлаш, тарқатиш ва назорат қилишдан иборат, шунинг учун маҳаллий газеталарда бериладиган корхонамиз фаолиятига оид реклама ва эълонлар «Хабар» саҳифаларидан ҳам ўрин олса чакки бўлмасди. Газетанинг «Алоқа тарихида», «Алоқа матбуот кўзгусида» рунла-рида берилаётган қизқарлик мақолалар, ранг-баранг ахборотлар қаторида алоқачилар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи материаллар кўпроқ бўлишини, «Хабар» алоқачиларнинг том маънодаги ўз газеталари бўлишини, айтиш жоиз бўлса, уларнинг ҳамсуҳбати, ҳамдарди, маслаҳатчиси ва кумакчиси бўлишини истардим.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ суҳбатланди

# АНИҚЛИК— ИШИМИЗ МЕЗОНИ

риб келган: абонентни бошқа шаҳарлар билан сўзлашгани ҳақидаги, шунингдек, пул тўлаш ҳақида уни огоҳлантирилганлиги тааллуқли маълумотларни дисплей экранига чиқариш, абонентнинг ҳақ тўлаганлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон ҳисоблаш машинаси хотирасига киритиш, телетайп орқали Тошкент шаҳар АТСларига телефонни узлишни ёки уланишни керак бўлган абонентларнинг рўйхатини узатиш, абонентларга такрорий тўлов қозони юбориши, уларга қарзлари ҳақида автоматлаштирилган тарзда кўнгирок қилиб огоҳлантириш каби ишлар техника ёрдамида бажариладиган бўлди.

— Ишингиз самараси Алоқа вазирлигининг яна қайси ташкилотлари билан боғлиқ?

— Юқорида айтганимиздек, ишимиз Республика ахборот ҳисоблаш маркази

эди» деб, сўзлашганликларини рад этиб турадиган ҳоллар, ёки юборган тўлов қозонларимиз, эслатмаларимизни кераклик манзилга почта ходимларининг айтиб билан ўз вақтида ёки бутунлай этиб бормаслиги қатор англашилмовчилик ва нохушликларга сабаб бўлади.

— Абонентларнинг телефон рақами ўзгартиб қолса-чи?

— Бундай вазият тез-тез бўлиб туради. Ўзгартиш абонентнинг ташаббуси билан бўлса телефон алоқаси боғламалари бундай абонентларни бизга юборишлари ва улар биздан қарзлари йўқлиги ҳақида ҳужжат олмагунларича телефон номерларини ўзгартирмасликлари керак. Баъзида телефон номерлари «техник сабабларга кўра» ҳам ўзгартирилади. Янги АТСларни ишга тушириш вақтларида эса кўпгина телефонлар бир АТСдан и-

гача бўлган элликка яқин АТС абонентларининг биздан қарзи борларини ўзбек ва рус тилларида: «Диққат! Сиз билан шаҳарлараро телефон станциясининг роботга гаплашмоқда. Беш кун ичида... ойн учун пул тўлаган квантицияларингиз билан Навойи кўчасидаги 26-ўйда жойлашган ҳисоблаш бўлимига учрашмасангиз, телефонингиз ўчириб қўйилади», деб огоҳлантиради. Абонент роботнинг гапини охиригача эшитмаса, робот ўз сўзини яна такрорлайди ҳамда абонент унинг сўзини тўлиқ эшитганидан кейингина мазкур телефон рақамини огоҳлантирилганлар рўйхатига киритиб қўяди ва бошқа кўнгирок қилмайди. Робот соат 7 дан 21 гача «ишлаб», қарздорлар рўйхатини бир ой ичида тўрт марта «кўриб чиқади». Шунда ҳам огоҳлантирилмаганлар н и операторларимиз телефон орқали етказди. Абонент шундан кейин ҳам келишма-

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг электр ва почта алоқаси корхоналари, механизациялашган кўча могонада ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг бу ерда фаолият кўрсатаётган ташкилотлари ўз кучларини бирлаштириб, муҳим техникавий ва иқтисодий масалаларни ҳал этувчи дастур ишлаб чиқиди. Мухтор жумҳуриятдаги барча алоқа корхоналари вакиллари-нинг шу мақсадда ўтказган йиғилишида барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириб борувчи кенгаш тузишга келишилди.

11 нафар етакчи мутахассис ва тажрибали раҳбарлар мунотазам равишда энг долзарб масалаларни муҳокама қилишиб, етилган муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли тавсиялар бериб боришади. Кенгаш бошқарув, ишлаб чиқариш ва ҳўжалик юритишдаги долзарб масалаларни ечиншга ҳалақит бермаган ҳолда қурилиш муаммолари, тармоқни ривожлантириш, иқтисодиётни тақомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, алоқачиларнинг ҳукумат мукофотларига тақдим этиш ва бошқа соҳалар билан ҳамкорлик қилишда амалий

ёрдэм кўрсатади. Давлат электр алоқаси корхонасининг бошлиғи У. Таженов икки йил муҳлатга кенгаш раиси қилиб сайланди. Мухтор жумҳурият Вазирлар Кенгашида мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш юзаси маъқулланиб, тез орада ўтказиладиган ҳукумат раёсат йиғилишида унинг таркиби ва Низоми тасдиқланади.

Кенгашнинг биринчи йиғилишида умумий ишга тўсиқ бўладиган жами ҳолатларга барҳам берилиб, ҳамкорликда ҳаракат қилиш вақти келганлиги қайд этилди.

К. ТўЛАГАНОВ

## ГАЗЕТА СОТУВДА КЎПАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан ўтказилган сям орқали йиғилиш кундалик матбуот нашрларини чакана савдо йўли билан тарқатишни янада тақомиллаштиришга бағишланди. Унда республикада чоп этиладиган газета-журнал таҳририятларининг ходимлари, барча почта алоқаси корхоналарининг раҳбарлари иштирок этишди. Жумҳуриятда аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда газета сотишининг бугунги аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ўринбосари, «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси М. К. Носирова ахборот берди.

Йиғилишда Наманган, Жилзах, Бухоро, Навойи вилоятлари, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти давлат алоқа корхоналари бошлиқларининг бу соҳада олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботлари шунингизди. Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларда чакана савдо йўли билан газета ва журналлар тарқатиш борасида кейинги пайтда юзага келган камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Йиғилиш иштирокчилари жойларда аҳоли талабидан ўрганиб чиқиб ва шу асосда чакана савдога чиқарилаётган кундалик матбуот нашрларини нухсасини кескин кўпайтириш юзасидан тadbирлар белгилашди.



• Мерос

Уз-ўзғини англаш, ўзалигини таниш фаёли халқнинг ширларга муносабатини ҳам тубдан янгилади. Шўро ва фирқа мафйурасини илгари сурувчи, босқинчилик ва мустанлакчилик сибсатини мустақамлаб турувчи сохта, баладиарвоз ширларини ҳаёт янги инқилобий замон саҳифаларидан бешафқат ўчириб ташлади. Газеталаримиз саҳифаларидан «Халқ денгиздир, халқ гўлқиндир, халқ кучдир...», «Кишан кийма, бўйин эгма Ки, сен ҳам ҳур тугилгонсен!» сингари ҳурфикр ширлар ўрин олди. Янгилаиш гўлқинларида таваллуд толган «Хабар» газетаси ҳам ўзига хос йўсинда иш тутди. Ўзбек халқининг даҳо мутафаккири Алишер Навоийнинг «ЭРУРСЕН ШОҲ — АГАР ОҒОҲСЕН, СЕН, АГАР ОҒОҲСЕН, СЕН — ШОҲСЕН, СЕН!» шохбайтини ўз фаолиятини шир қилиб олди. Ушбу ширлар замонинг инқилобий руҳини, долғали дарвининг етакчи тамойилларини ифодалаши билан гўзал ва долзарбдир. Улар мяллий мустақиллик пўртанала-

рида жамоат кўрсатиб, халқнинг назаарига тушди, эҳдуи гидрокига ўрнашиди, дилу жонига ватан кўрди. Маана «Хабар» ёшига етай деб қолди ҳамки, шир унинг нуқтаини назари, мақсад-муддаосини, заррада кўёш акс этгани сингари, нурафшон этиб бормоқда. Эндиликда шир учун танлавланган шохбайтнинг моҳияти, Навоий асарлари таркибиде тутган ўрин, ундан кўзда тутилган маънолар миқёси билан муҳтарам муштарийларини муфассал ошно этиш фўрсати келди.

Алишер Навоий шохбайтга оғоҳликда шох, шохликда оғоҳ бўлиш учун дунё воқеалари, шиддатли ҳаёт ҳодисаларидан, халқ эл-юрт аҳволидан, илму дониш ҳикматларидан хабардор бўлишга чорлашдек голъий мазмунни юклаган. «Хабар» рўзномаси замонавий долзарб бу голълар хизматига сафарбар этилган. Ҳазрат Навоий руҳи мададкор бўлиб, ишшоолло, шохбайт замондошлар хизматини беини нат адо этиб келмоқда.

ридан. У, Машраб таъбири билан айтганда, «минг маънини бир нуқта биле мухтасар этган» шохбайт. Шохбайт умуминсоний моҳиятга эга бўлади. У муайян шахсларга қаратилганлиги билан чегараланмайди. Миллати, ирқи, жинси, тоифаси, мартабасидан қатъий назар, шохбайт ҳар бир инсонга маънавий озиқ бағишлайди. Шохбайт учун макон ва замон сарҳад бўлмайди. У бани-башар хизматига тоабад ўз голъий-бадий кимматини сақлаб қола олади. Шохбайт мустақиллик хусусиятига эга. У теварагидаги байтлардан айру ҳолда олинганда ҳам мазмун-моҳият тугаллигини йўқотмайди. Шохбайт таркибидеги сўз-иборалар иштирокида, шу мазмунни сақлаган ҳолда бошқа байт тузилганда, бундай гўзаллики қайта бунёд этиш қийин. Шохбайт — бетакрор муъжиза. Навоийнинг «Салди Искандарий» достинде мазукур шохбайтга маънавий-лафзий уйқаш байт бор. Бироқ у шохбайт даражасида битилган эмас. Шохбайтнинг гўзалликларидан яна бири шуки, унинг тил хусусиятлари, сўзлари ниҳоятда сода ва тушунарли. Шохбайт такрор ва тарди акс (терс такрор) санъатлари билан яратилган. Ундаги баъзи сўз-иборалар такрори шуночани қайтариқ эмас, маъно юкинни ташийдиган, таъкидлайдиган, кучайтирадиган бадий усул.

Алишер Навоийнинг шохбайтлари шу қадар олмага манзур бўлиб, ёдига ўрнашиб қоладики, кўпчилиги уларни мустақил бир асар ёки қичик ҳажмдаги бирор фалсафий — лирик шеърда олинган парча сифатида тасаввур қилиб юради. «Эрусен шох — агар оғоҳсен, сен. Агар оғоҳсен, сен — шохсен, сен!» байти ҳам ана шундай ўзи ҳақида факуллода юксак таассурот уйғотувчи шохбайтлардан.

нинг ворисларидирлар. Пайгамбар эътиқоди, таълимнинг давомчиларидирлар. Кейинги байтда юқоридеги фикр янада кучайтирилади: **Кипинким, бўлса олам подшоҳи, Анинг умматлигиндир мубоҳи.**

Ушбу байтдан англашиладики, биров олам подшоси мартабасига етгани тақдирда ҳам, пайгамбар ва унинг ворислари ҳисобланадиган олимларга маънавий-ру-

**Шаҳеким, илм нурын топти зоти, Анинг то ҳашр қолди яхши оти. Искандар топти чун илму ҳунарни, Не янглир охди, кўргил, баду барни. Анингдек салтанат аҳли кўп эрди, Қая бирга бу навъ иш даст берди?! Икки минг йил ўтуб юз минг хирадманд, Бўлуб ҳикматлари бирла баруманд.**

Қадим тарихдан Искандаршоҳини олган бўлса, яқин тарихдан Улуғбек сиймосини ибрат қилиб кўрсатади: **Темурухон наслидин султон Улуғбек, Ки, олам кўрмади султон анингдек...**

Навоий илм ҳар бир кишига, айниқса, шохларга ўзгача зийнат эканлигини, шох баъзи илмларгагина қаноат қилмай, барча илмлар-

сон фикр, ҳадис, тафсир илмларини, албатта, ўзлаштириши зарур. Бу уч илмда камолотга эришган киши яна бошқа илмларга интиладими, йўқми, ўзи биледи. Шоирнинг бундай нуқтаини назарига сабаб, бу уч илмнинг ўзи бошқа илмлар тилисига калит бўлиб, улар идрокига йўл очади. Аммо Навоий бу уч маънавий илми мукамал ўзлаштириши ва унга амал қилиши учун бир жисмоний илмин ҳам ўрганиш зарурлигиндан сабоқ беради. Бу табобат илмидир.

**Валекни тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб Ки, сикҳатдур кичи жисмида матлуб... Ул уч дин илмию бу бир бадавдур, Булар муҳтожи яхши, гар ёмондур.**

Уч дин илми эътиқод ва руҳият комиллигини таъминласа, тиб илми бадан са-

# ШОҲЛАР ОҒОҲИ,

Ушбу шохбайт Навоийнинг буюк «Хамса» асари таркибидеги «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган. «Фарҳод ва Ширин» достони эллиқ тўрт бобдан иборат бўлиб, бу шохбайт эллиқ учинчи боб таркибиде учрайди. Мазкур шохбайт «Фарҳод ва Ширин» достонининг 5586-байтидир. Навоий мазкур бобни «султонзодаий олам» Абулфаворис Шохгариб Баҳодирга бағишлайди ва унинг мазмун моҳиятини «насихатомуз нуқталар» дея белгилайди. Улуғ донишманд ушбу насихатомуз нуқталарини битариан, уларни ўқиган кишиларга: «умид улким, бу шохвор дурларни туфроғини олғай ва адосида қулоқ солғай, балки ул гаромюя гаҳварларни қулоққа солғай» деб тилак билдиради. Шоирнинг пандомуз ҳикматлардан мақсад-муддаоси илм-маърифатга тарғиб этиш, шохликда маънавий комил, маънавий комилликда шох бўлиш голъсини илгари суриндир. Бобнинг аксар байтлари «шохвор дурлар» тизмасидан иборат.

...**Бироким, қилса олимларга таъзим, Қилур гўёки пайгамбарга таъзим.**

Олимлик мартабасини қанчалар улуғлайди шоир! Бу, айниқса, олимларни энг заҳматқаш ва қадрсиз тоифа даражасига тушириб қўйган замонлар учун ибрат ва сабоқ бўларди нуқтадир. Бундай байт биз шарҳламоқчи шохбайт зикрга замин яратиш учун битилган. Олимлар пайгамбарсифат улугланишининг сабаби шуки, Навоий наздида олимлар оғоҳларнинг оғоҳидирлар.

Юқоридеги фикрни асослаш ва қувватлаш учун шоир пайгамбар ҳадисларидан далил келтиради:

**Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис Ки, олим келди пайгамбарга ворис.**

Яъни, пайгамбардан шундай ҳадис, васият қолганким, унда эътироф этилишича, олимлар пайгамбар-

ҳий жиҳатдан итоатда, ихлосманд бўлиши билан фахрланса арзийди. Урта асрларда, хусусан, Навоий даврида шундай эътиқод ҳукмрон эди. Амир Темурнинг Ҳожа Аҳрори Валига муносабатида ҳам, Хусайн Бойқаро Алишер Навоийни пир сифатида тан олиб, ҳалойиқ ўртасида ўз отига миндириб, этагини ўпиб, жилвордорлик қилиб, мурид тутиганида ҳам, Муҳаммад Раҳимхони Соний Феруз «Огаҳий — устодим менинг» дея фахрланганида ҳам малиқлик маданиятидаги шу фазилатни кўришимиз мумкин. Оқил, одал подшоҳлар ўз атрофларига мамлакатнинг етуқ олиму уламоларини жишлаштириб, ҳар бир муаммон улар билан бамаслаҳат ҳал этишга ҳаракат қилганлар.

**Бироким, илм ила бўлди баруманд, Анга ким ворис ўлди, бўлди фарзанд.**

Мазкур байт ҳам олимнинг маъна ва қадр-қимматини улуглашга қаратилган. Унда таъкидланишича, кимдаким илмдан баҳра топса, илм ҳосил этса ва кимки шу алломага илм йўлида ворис бўлса, унга маънавий фарзанд ҳисобланади.

Шоир юқоридеги байтларни тадрижий мантиқий изчилликда битар экан, илмдан оғоҳлик, билимдонлик ҳақидаги фикрлари ҳадди аълосига кўтарилади. Унинг «кани энди олим олам шох бўлса-ю, шох олим одам бўлса» деган орзу-армони жўш уради. Ўзидан олдинги байтларни яқунловчи, кейинги сатрларга замин ҳозирловчи шохбайт вужудга келди:

**Эрусен шох — агар оғоҳсен, сен, Агар оғоҳсен, сен — шохсен, сен!**

Шундан сўнг шоир шохларнинг оғоҳи, оғоҳларнинг шохи бўлиши тарихий шахслар фаолиятдан ўрнак учун мисоллар келтиради. Ҳумладан, Искандарнинг жаҳонгирлик салоҳияти сеҳри илм туйфали эканлигини бундай ифодалайди:

# ОҒОҲЛАР ШОҲИ

ни эгаллаши зарурлигини таъкидлайди. Шоир босқич-ма-босқич барча илм хазиналарини ўзлаштириб, дин илми масканида муқим тўхталишини, диний таълимот билан доимий, муттасил шуғулланиши маслаҳат беради. Зероки, дин адолат, камтарлик, одоб-ахлоқ, муруват, меҳр-оқибат, одамийлик таълимоти. Дин илмининг забт этиш чинакам шохлик мартабасига кўтарилишини асосий мезонларидан бири сифатида талқин этилади:

**Шаҳ уддуким, шпори илми диндур, Нединким илми дин, илмуди ақидур. Илми ичра ўкусанг юз туман фасл, Тамоми фаръу дин илми эрур асл.**

Шоир дин илмининг асл моҳияти, ҳақиқат фани сифатида қадрлайди. Унинг наздида дин илми муайян дарахтнинг асосий танаси бўлиб, бошқа барча илмлар ушбу дарахтнинг шох-шаббарларидир.

Дин илми ҳам поёисиз ва тубсиз уммон бўлиб, унинг фикр, ҳадис, тафсир, таъхид, таъжид сингари ўзига хос фан тармоқлари мавжуд. Ҳазрат Навоий шулардан асосий учтасини шохга гадо, яхши ва ёмон инсонлар ўрганиши фарз деб биледи.

**Бу дин илмики, хомам қилди таҳрир, Эрур фикру ҳадису сунгара тафсир. Чу тақимл ўлди бу уч илм, сен бил Яна ҳар илм майлани қилма ё қил.**

Демак, ҳақиқат тилсинларидан оғоҳлик истаган ни-

ломатлиги гаровидир. Тиб илмининг зарурати шундаки, ақлий-руҳий соғломлик жисмоний бақувватликни тақозо этади. У уч илм тангри амрини бажаришга бағишланган. Тани сикҳат бўлмаган кишининг тангри амрини бажаришга қуввати йўқ. Ички аъзолари заиф, иштаҳасиз инсон рўза тута олмайди, тўшакдан бош кўтарга олмайдиган бемор сангдга қодир эмас. Халқнинг «Соғлом танда соғ ақл» нақлидагидек. Навоий наздида ҳам, комил инсонда маънавий-руҳий етуқлик билан жисмоний соғломлик уйғун бўлиши керак.

Маана, бошқа байтлар марказида турган шохбайт қандай ҳикматлардан оғоҳ бўлишга чорлаб турибди. Дарвоқе, нима учун уни шохбайт дея таъйин этамиз ва тан оламиз. Шохбайт деб замнирида сермазмун нуқтаини муҳассамлаштирилади, теварагидаги бир қанча байтларни моҳиятан умумлаштирадиган, шаклий-бадий хусусиятларига кўра энг гўзал байтга айтелиди. Шарҳимизга нишон бўлган байт шу таърифга тўла мувофиқ келади.

**Эрусен шох — агар оғоҳсен, сен, Агар оғоҳсен, сен — шохсен, сен!**

Унинг шохбайтлиги шуларда кўринадики, у ўзидан олдинги ва кейинги байтларни моҳиятан бир нуқтада бирлаштиради. Яъни, у байтлар моҳиятидан хабардор инсон шохдир, шохлик мартабасига талабгор инсон, албатта. Ўша байтлар моҳиятидан оғоҳ бўлмоғи лозим. Кўпмаънолик шохбайтнинг асосий хосиятла-

даги илмосига жузъий ислоҳ киритган маъқул. Ҳозирги ҳолатида шохбайт таркибидеги луғавий бирликларнинг мазмун залвори, нидо салмоғи синганга ўхшаб турибди. Чунки, лафзий жиҳатдан майда бўлакларга бўлини маънавий бутунликка ҳам зарар етказилади. «Эрусен шох» жумласидан кейин узун чизиқча (тире) қўйилгани маъқул. У оғоҳлик шохлик билан баробарлигини таъкидлайди. Такрорланган «сени» сўзларини ҳам жуфтлаштириб ёзиш ўринли эмас. Негаки, матндаги ҳамма «сени» бир хил вазифани бажармайди. «Эрусен», «оғоҳсен», «шохсен» сўзларидаги «сени» қўшма сўз таркибиде келиб, одатдаги олмош бажарадиган хизматда, шунинг учун қўшиб ёзилади. Мисрлар охирида келадиган «сени»лар эса шоирнинг нидоси қаратилган шахсни англатувчи ундалма вазифасини бажаради. Қондага биноан, ундалма алоҳида ёзилиб, вергул билан ажратилади. Иккинчи мисрадаги «Агар оғоҳсен» гап бўлаги бажариладиган ҳаракат ёки эга бўлинадиган сифат, мартабанинг шартини билдириб турибди. Бинобарин, ундан кейин вергул қўйилиши ўринли. Шу мисрадаги «сени — шохсен» тугал содда йиқиг гап бўлиб, у фақат бош бўлаклар — эга ва кесимдангина иборат. Бундай ҳолларда, эга ва кесим муносабатларидаги тенглик мувобатантини ифодалаш учун улар орасига узун чизиқча (тире) қўйилади. Шохбайтда ҳис-ҳаяжон, эҳтирос, уйдов, нидо устивор. Шунинг учун унинг интиҳосида ундов белгиси қўйганимиз дуруст.

Нусратулло ЖУМЪАЗОДА



ХОҲЛАСАНГИЗ  
400 ЙИЛ ЯШАНГ

«Эфир-дайжест» агент-лигининг хабар беришича, бизнинг ҳаётимизни узайти-рувчи генлар топилган. Дастлаб бу генлар ердами-да нисон умрини икки баро-бар узайтириш мумкин, кей-инчалик эса «хоҳловчилар» бир неча юз йил яшашла-ри эҳтимолдан холи эмас.

Ишонмайсанми? Узингиз биласиз, аммо Висконсия штатида ўсиш гормонлари қўллаб кўрилди. Маълумки, 60 ёшдан бошлаб бизнинг жисимиз будай гормонлар-ни ишлаб чиқармай қўяди, натижада қарши жараёни бошланади. Ана шу гормон-лар ердамида бори-йўзи ол-ти ой муддатда қариялар жисимини ўн фоизга ошириш-га, шунингдек, кексалар те-ри қанатини қалинлашти-ришга ва ёг қатламни бир-мунча камайтиришга эри-шилади.

Баъзи мутахассислар фик-рича, ҳозир ораимизда 400 йил яшаш кутилаётган одамлар йшамокда...

МУШУҚЛАРДА АСР  
УЛАТИ


Инглиз олимлари мушуқ-лар СПИД билан касалла-наётганини аниқлади. Ҳатто Англиядаги Бритол олийгоҳида уларни даволоч-чи махсус шифохона ҳам очилди. Маълумотларга қараганда бу бедаво дард бил-ан кўпроқ хонака мушуқ-лар зарарланган. Британия-да ўтказилган кузатувда кў-ринишидан соғ бўлган му-шуқларнинг беш фоизи, ка-салга ўхшаб турганларнинг эса ўн уч фоизи СПИДга чалинган.

ЎҲЛОВЧИЛАР  
МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

АҚШнинг қўлаб авиа-компаниялари агар йўловчи ўзи билан бирга яна бир ки-шига тайёра чиптасини сот-тиб олса, унинг нархи йи-гирма фоизга арзонлашуви-ни маълум қилди. Янги тар-тибга кўра, маводо уч киши бирга чипта сотиб олишса, нарх ўттиз фоизга, бир гу-руҳга сотиб олишса — 40 фоизга камади. Ҳафтининг маълум културда ҳам шу интибазлар белгиланган.

Бизнинг авиакомпания-дан фарқи, АҚШ тайёра-чилари йўловчилар учун «курашишмоқда».

Ф. УМАРОВ тўплаган.



Сўз — тафаккур хизматиде, санъат — фикр ва гоанинг кўрки, тарғиботчисидир. \* \* \*

Жонинг доимий суратда жонинга талпиниши, инсонга ташналигини инсоннинг ўз кдевлига, бутун файзу фазо-лати, пок ахлоқи, ички маъ-навий дунёсининг кўркам, нурафшонлиги билан жо-зибали бўлган Дўст сари инти-лиши деб билмоқ керак. Дўст — иншининг севган ёри ҳам, эътиқод-нисон тимсоли ҳам, эзгулик, адолат ва ҳақиқат ҳамдир. Яхши инсонни се-виш — ҳаётини севиш, ҳаёт-ни севиш — ҳақиқатини, ҳақ-ни севиш демакдир.

Инсон табияти икки асос — руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб толган учун улар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлиши жисм талаблари ку-чайса, у ҳирс ва шаҳват, ҳай-воний нафс домга гриф-тор бўлиб, борган сари ту-банлашади. Бу ҳавфин ол-динин олиш учун киши до-имий равишда руҳий-маъна-вий эҳтиёжларини қондириб бориши, шу жиҳатини тарбия-лашга бел боғламоғи лозим.

Ақлу-ҳуш қудрати етмай-диган нарсга кўнгли май-ли билан эришиш — руҳий нродани қайтадан кўриш, ўзини ўз виждонини, эътиқо-ди олдиде навобгар ҳисоб-лаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда кўп дунёвий ҳа-вас-хоҳишлардан воз кечиш демакдир.

Нақибандия таълимотиға биноан, олам азаллик ва аб-дий игона руҳининг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини тамошо қилиш кстагидан пайдо бўл-ган кўзгудир. Бирламчи қўд-рат порлашидан таралган дунёдаги жазминки мавжу-дот ва махлуқот — заррадан

қўшгача, еру кўк, собиту сэйёра шу нур билан ёрити-лади, шу нур туйфайли ҳа-ракатланади, мубайян уйғунлик кира ривожланиб туради. Инсон ҳам мазкур кўзгу-нинг бир бўлаги, лекин ру-ҳи мутлақ энг кўп акс этган тилқат.

Тасаввуф ақли истилоҳиде нисон жисмининг хароб бўли-ши қановат, фақр йўлиға ки-риб, ҳайвоний нафслар, ке-рвасиз ёмон ҳулқ — одам-лардан қутулиб, ўзини хой-сорлик, камтаринлик рутба-сига солишдир.

Дунё мутлақ руҳ билан

ди, бу ҳаёт қонунига муво-фиқ, чунки ҳаётнинг ўзи ҳам муҳаббатдан яралган.

Ишқ — дўстлик туйғус-нинг олий даражаға кўта-рилиши, дўст орқали маъ-рифатини, илоҳини севиш.

Илоҳий жамолға етишиш учун сабр, барча азобларға бўйсункиш нродаси зарур, бўлмаса, қийноқларға чидай олмай, Навойининг лирик қаҳрамонини каби: «Энди ишқ сўзини тилға олмасликка аҳд қилдим», дейиш ҳеч гепмас-ти.

Ишқдан — илоҳий файздан ажрлиш азоби ишқ азоби-

Нажмиддин КОМИЛОВ  
ТАСАВВУФ  
МАЪРИФАТИ ДУРЛАРИ

нисон орасида, яъни қалб билан «ў» орасида тўсиқ, ўзгалиқдир. Шу каби ошиқ билан машуқ орасида пар-да бўлиб турган жисм, бе-дан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгадир.

Тасаввуф нисонни улуг-лаш, ҳаётининг қадриға етиш, умрини оқилона ўтказиш го-ларини тарғиб қилишға на-зарий замин ҳозирлаб, нис-сонларвар шонларнинг ил-ҳомини илҳом қўшган.

Илоҳини севиш, унга қўл бўлиш қўлликдан озод бў-лишнинг чин йўли.

Албатта, аёл ва эркек ора-сида муносабат онла асо-сида қурилас ёмон бўлмай-

дан кўра ҳам зўрроқ, йўқ, йўқ, бугина эмас, ошиқлик азоби ҳузур-ҳаловатға эл-т-гувчи, руҳий камолот сари етакловчи тозаланиш, ҳалос бўлиш азоби.

Илоҳ ишқи, умуман кўн-глининг муҳаббатға мойилли-ги одами адолат ва нисоф-ға ошно этади.

Навойи осмонға қарши газабкор норозилик наҳор этганде, Тангриға қарши эмас, Балки ҳамма вақт нисонни азоб гирдобиде тутадиган, ўз муроди бўйича яшашға им-кон бермайдиган чархи фа-лакка қарши чиққан эди.

Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади.



Ўзгаллисининг кўрки қизлар...

Сураткам С. МАҲКАМОВ

• Зардали мактуб  
ГАП ЛИБОСДАМИ?

Яқинда Қарши шохбе-катдан поездага чиқдим. Бўлмада уч нафар шаҳри-сабалик қизга ҳамроҳ бў-лишга тўғри келди. Улар атлас кўйлак, лозим, бош-ларига дўпин кийишган эди. Миллий либосларимиз қизларға жуда ярашиб туш-ганди. Бу ҳол мени жуда қувонтарди. Улар билан анча суҳбатлашдим.

Эрталаб поезд Тошкент-ға яқинлашиб қолганди. Ҳамма тушиниға ҳозирлана бошлади. Ҳалиги миллий либосдаги қизлар энди ов-руноча кийиниб олишибди. Таажубланиб турганимиз қизлардан бири «Нима қи-лайлик, агар шундай ки-йинмасак, шаҳарликлар бизларни «қизиқди» деб устимиздан кулишади. Кўп-

чилиқнинг олдида қизар-маслик учун шундай қи-лишга мажбуримиз», деди.

Бу сўзлар кўп ўйға тол-дирди. Нега шундай? Нега миллий кийинган қизлар устидан кулиш одат бўлиб қолган?

Инсоннинг мўъмини-му-сулмоиллиги кийим-бошиға боғлиқ эмаску! Аини чо-да кишининг руҳияти, қал-бидеги ўзгаришлар кўп то-мондан уст-бошиға қараб ўзгариб бориши ҳам му-имкилиги ёдига тушади. Қандай ўйламанг, миллий-лик биринчи ўринға чи-қади. Миллийликда ган кўп... Шундай эмасми?

Баҳодир ТОШБОВЕВ,  
Тошкент электротехника алоқа билимгоҳининг та-лабаси.

«ҚҮНҒИЗЧА»ДАН  
ҲУШЁР БЎЛИНГ

Ўзгалар хатини ўқишини хоҳлайсанми? Гарчи у елим-лаб қўйилган бўлса ҳам. Бунинг учун 95 Жаҳубий Африка ранди (32 доллар) кифоя. Йоханесбургдаги Миллернинг дўкондан бал-лончаға солинган сувоқлики сотиб олиб, хат жилдин о-масдан ҳам ўқини мумкин. ЖАР махсус хизматига те-гишли бўлган бу техник ве-ситани хусусий изтопар ҳам-мабон қилиб қўяди.

Дўкон соҳиби харидор-ларға баҳоси 300 дан 4 минг рандгача бўлган ҳар хил ҳуфёна эшитадиган мос-ламаларни тақлиф қилмоқ-да. Турмуш ўртоғидан шуб-ҳаланган аёла, бошлиқнинг

ходимлари ўзи тўғрисида қандай фикрдеглигини ва ка-саба иттифоқи қандай «фе-локат» келтиришини бил-моқчи бўлганлар янги мос-ламага талабгор.

ЖАР қонунчилиги бўй-ича қулоқ солиш мосламалар-дан фойдаланганлик учун 4 минг рандгача жаримадан то 3 ойлик қамоқгача жа-зо белгиланган. Шундай бўл-сада, мосламалар сотиш та-қриқланмаган. Ҳатто Миллер ўз махсулотларини полиция учун махсус журналда кўз-кўз қилиб ҳам туради. Кў-риниб турибдики, ишбилар-моннинг ошиғи олчи.

М. ТУРҒУНОВ тайёрлаган



БИРЛАШУВ  
КЎПРИГИ



Тарихдан маълумки, тур-кий халқлар тили, мадания-ти, урф-одатлари бир-бирга яқин бўлган бир авлоднинг фарзандларидир. Кейинча-лик уруғчилик, давлат, кон-ликлар даврида тил белги-ларни турли хил кўринишға келган. Бу хилдан ичдан зил кетишлар, пароканда-ликлар туркий элатларнинг ўзга халқлар зулми остида эзиллишларига, қатагон ва маңқуртликка грифтор бў-лишларига мажбур этди.

Ҳазрат Алишер Навоий «яққалам» қилган туркий-ларни қай тарзда қайтадан бирлаштириш мумкин? Бу саволға яқинда чоп этилган Бахтиёр Қаримов ва Шоаҳ-мад Муталифларнинг «Ўр-татурк тили» деб номланган кичик рисоласидан жаवоб топиш мумкин. Шу пайтга-ча туркий халқларнинг ли-соний бирлиги борасидаги интилишларига ҳар хил фикр билдирилди. Тил бир-лиги халқларнинг бирлаши-ши учун бир омил бўлишини билган ганимлар умумтурк тили муаммосини кўтариб чиққан кишиларға пантурк-чи ёрлигини ёпиштирдилар. Ҳолбуки, эсперанто каби умумслави тили мавжуд бўлган ҳолда, туркий халқ-лар ҳам умумтўл соҳиби бў-лишға ҳақли эдилар.

«Меҳнат» нашриётида чоп этилган ушбу рисолада умумтурк тили қандай бўли-ши, кўпроқ қайси сўзлар қа-бул қилиниши, ушбу тил хусусияти ва вазфалари батафсил баён қилинган. Туркий халқлар ўзаро яқин-лашишға интилиш натижа-сида бир алифбоға ўтишса яхши бўлар эди, лекин уларда бир неча алифбо сақланади, ўртатурк тили ай-ни вақтининг ўзида шу бир неча алифбода мавжуд бў-лиши мумкин, дейилади ри-солада. Албатта, сўнги ҳо-лда кўпроқ иттиқодий сарф-харанатлар талаб қилина-ди, лекин бу туркий халқ-ларнинг ўз тақдирларини ўз-лари белгилаб эркин ривож-ланишиға ва шундай йўлда ўз ихтиёрлари билан бир-бирларига яқинлашишлари-ға хизмат қилади.

Ўзбек, рус ва инглиз тил-ларида ёруғлик юзини кўр-ган ушбу рисола туркий халқларни бирлаштирувчи ўртатурк тилини тузиш учун ташланган дастлабки қадам-дир.

Р. ЮСУФ

# Афандишух ХУРЖУНИ



Е товаба, ҳар куни бир янгиликка дуч келади-я, одам. Дунёнинг қайси бир пучмоқларида юз бераётган уруш-жанжаллар, сиёсий митинг-бозлиги, табиий оғдатларнинг таъсиридан кутулиб улгурмасиндан одамларнинг феъли-атворидаги янгиликларни кўриб, ҳайратга тушасан... Ахир, қувиб ўпиш деган одат қайдан чиқди ўзи? Е кудратингдан ўргилай! Яна, бунинг устига, ўпган ҳам, ўптирган ҳам менга шахсан таниш кишилар-а! Та-саавур қилиш қийин... Одам олмас ичида, деганлари шу экан-да! Бўлмаса, сиполикда, камсуқумликда бировларга ўрнак қилиб кўрсатса арзиндиган киши шунчалек тез ўзгарармиди. Ёки... асаби анақароқ бўлиб қолди-микан-а?!

Жума куни кечқурун Қобил тоғам уйимга кўнғироқ қилди.

— Эртага бўлсан-а? — деди-да, менинг жавобимни ҳам кутмасдан буюрди. — Эрталаб соат тўққизда биз-

ни кўриб қолдим. Бетон сим-ёгоннинг шундоқ ёнгинасида ўзи тенги бир киши билан сўзлашиб турарди.

Шавкат ўзи тарафдаги эшикни очди-да, ташқарига чиқди, машинага жой излаган бўлиб, уёқ-буёққа қаради. Шу пайт машиналар ҳаракатини кузатиб юрган милиционер тоғавачамга «честья» берди-де:

— О, Шавкатжон! Машинани мана бу ерга қиритинг. Сизга ҳамише жой таяёр! — деди.

нинг ўғилларимсиз? — деб сўради.

— Ҳа, шундай. Нима эди, амаки? — деди ҳайрон бўлган Шавкат.

Зухриддин ака ўша заҳоти жилмайишга ҳаракат қилиб, кўришиш учун қўл чўзди, чап қўли билан Шавкатнинг бошини орқа тарафдан ушлади. Шу ҳаракатлари асносида:

— Ундай бўлса, рухсат этинг, бир ўпиб қўяй, — деди-да, йигитни оғзи аралаш чўлпиллатди, ўнг юзидан ҳам

— Көксайса ўзидан ўзи ўпаверадимми? — деди тоғавачам. — Ўзи соғмикан? Юзим қирланиб кетганга ўхшаяпти...

Бозордан қайтиб борганимиздан кейин Шавкат бу воқеани аясига айтиб берди. Кеннойим ҳам қизиқ-да, бунақа гап бўлаверди дейиш ўрнига, аксинча, ваҳимага тушди:

— Қанақа одам эди? — дея менга юзланди. — Ўғлимизни ўшанақаларга учраштириб нима қилардингиз? Соғим ўзи у одам? Қутирган-путирган эмасми?

— Ваҳима қилманг, кеннойим, — дедим уни жаҳлдан туширишга уриниб. — Шундай бўлиб қолди-да. Ўзи ёмон одам эмас. Олим одам. Зухриддин Юҳомиддинович-да. Ҳечкиси йўқ... Шавкат, алмо сен ҳам ваҳима қилдинг-да, жуда жижирганётган бўлсанг, юзингни чайиб юборсанг бўлди-да. Гап тамом, вассалом...

Уч-тўрт кундан кейин эшитсам, Шавкатни қувиб бориб ўпиш воқеаси бекорга юз бермаган экан. Зухриддин ана ўша куними, эртасигами, аллақандай илнжу мақсад билан вилоят ҳокимининг қабулига кириб, сўрашибди-да, гап орсида:

— Ўғлингиз Шавкатжонни кўриб қолдим, Қобил Нурматович, — дебди. — Сизга салом айтдим. Мен Шавкатжон билан қадрдонман...

— Шавкатжон! — дея ҳайрон бўлибди ҳоким. — Ахир менинг ўғлим йўқ-ку, Зухриддин Юҳомиддинович. Уч-та қизим бор... Ҳамма умидимиз қувалардан... Ҳа...

Зухриддин ака хиёл мулзамланибди-ю, дарҳол ўзини ўнглаб олибди:

— Мен адашман, Қобил Нурматович, демак нариги Қобил Нурматовичнинг ўғиллари экан-да.

Дарвоқе, вилоятимиз ҳокимини ҳам, тоғамни ҳам Қобил Нурматович деб атайдилар. Демак, Зухриддин акада сира ҳам айб йўқ! Ва ишонтириб айтманки, у киши соппа-соғ одам. Чунки у дуч келган одамни ўпавермайди, қувиб ўпса ҳам танлаб ўпади.

## Оқилжон ХУСАН

# ҚУВИБ ЎПАДИГАН ОДАМ

• (Ҳажвия) •

никига етиб кел. Шавкат билан бозорга чиқиб келасизлар. Озгина картошка, пиёс... Тўшунарлими!

— Тўшунарли, — дедим. «Ўзингиз борақолсангиз бўлмайдингиз!» дегим келдию, бир тоға етти онанинг ўрини босади, деган гапни ўйлаб, тилим айланмади. — Ўзингиз ҳам борасизми, тоға! — дея сўрадим.

— Узим Тошкентга кетаёлман, — деган жавоб бўлди телефон гўшнидан. — Шу ерда бўлганимда сендан илтимос қилиб ўтирмасдим. Бўпти, гап тамом!..

Эртасига эрталаб Қобил тоғамникига етиб борсам, Шавкат аллақачон «Жигулинни ўт олдириб, таяёр бўлиб турган экан. Йўлга тушдик. Гоётда бежирим кийинган Шавкат тушмагур машинани чапдастлик билан бошқарарди. Йўлда кўзимга ортоб тушган пайта унинг қора кўзойнагини тақиб олдим.

Ҳаш-паш дегунча бозорга етиб бордик. Бозор олдидаги машиналар тўхташ жойи анча тикилнич экан, қаерга киришимизни билмай, бирор дақиқа тўхтаб қолдик. Уша лаҳзада биздан беш-олти қадам нарида Зухриддин ака-

Шавкат «Жигулинни милиционер кўрсатган жойга киритди. Иккаламин ҳам машинадан чиқдик. Шавкат машина эшигини кулфлаётганида ҳалиги милиционер ана гап қотди:

— Ахир сиз Қобил Нурматовичнинг ўғилларисиз. Қобил Нурматовичга ҳамиша ҳурматимиз баланд.

Мен машинадан тушаётганимда ҳам, ундан кейин ҳам Зухриддин аكانинг суҳбатига ҳалакат бермай қўяқолай, деган ўйда у тарафга қарамасдим. Шавкат машина калитини ўйнаб, одимлар экан, мен иккита букланган қопни қўлтиклаганимча одам тикилнич йўлакда унинг ёнида борардим. Бир маҳал орқа тарафдан:

— Ҳо, йигит, ҳо Шавкатжон! — деган овоз эшитлиб қарадик. Ишонсангиз, Зухриддин ака биз томонга ялпиллаганича одимлаб келарди. Унинг келиши қанотларини кенг ёйганча пахлаб учаётган тасқара қушин эсларди. Тез юрганидан, йўлакда уён-буён ўтаётганларни туртиб-суртиб юборарди. Шу алфозда етиб келиб, Шавкатга рўпара бўлди-де:

— Сиз Қобил Нурматович-

ўнди. Шавкатнинг ўнг қўлини ҳали ҳам қўйиб юбормаган ҳолда унга яна тикилди. — Қаранг-а, ақойиб йигит экансиз, ҳали тўймаёганман...

Зухриддин ака шундай дея туриб, тоғавачамнинг пешонасига ҳам лабини чўзди. Мен Зухриддин ака билан сўрашиш учун жилмайганимча таяёр турардим, ҳозир навбат менга келади, деб ўйлардим. Аммо Зухриддин ака менга умуман қарамасди. Эҳтимол, қора кўзойнақда бўлганим учун танимагандир.

— Қобил Нурматовичга мендан катта салом айтинг, — деди Зухриддин ака бурилиб, изига қайтиб кетар экан. — Қўришганимизни айтиб қўйинг у кишига. Ҳўпми! Яна йўлимизда давом этиб борар эканмиз:

— Ака, бу ким? — деб сўради Шавкат.

— Зухриддин амакинг-ку, — дедим.

— Амаки! Бунақа амаки борлигини билмас эканман. Пастки лаби бунчаям узун экан, худди туяникига ўхшайди-я. Оғзиниям юмаганим дейман!

— Көксайди-да бу одамлар, — дедим қанақа жавоб беришимни билмай.



Изоҳнинг ҳожати йўқ...

Мусаввир Р. ЭГАМБЕРДИЕВ

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

## ҚАТИҚ БИЛАН МОШХҲҲҲҲ

Қатиқ билан мошхўрда Инглаб қўришар экан. Кертиб солсанг ошқўқдан, Чўли-чўли ўпишар экан. Бир кун биз ҳам дўсту ёр Хушхўр мошхўрда эдик. Сўзлашиб бисёр-бисёр, Гўё манхўрдай эдик. Қатиқ бўлиб бир совуқ, Орамизга суқулди. Гап қолди узук-юлуқ, Бўзғимизда тикилди. Қатиқ бўлган у нисои Инглаб қўришолмади. Гўё ўчди зўр вулқон, Учқун ҳам қолмади. Ўзинг асра сув-сууқ Шундоқ қатиқ бўлишдан, Чорланмаган шўр тушқун, Хира таятиқ бўлишдан.

## КЕЛИНГ БИР КУЛИШАЙЛИК

Романимни ўн марта қайта ёзиб менга нима зарил, барибир мен Лев Толстой эмасман-ку!

\*\*\*

Ҳақиқат Сиз томонда бўлса-да, бошқа томонга ҳам қараб қўйинг.

\*\*\*

Олдин сўз бўлди. Кейин... талонини тешиб беришди.

\*\*\*

— Нега бармоғингга ип боғлаб олдинг?

— Хатин жуънатишни унутма, деб хотиним боғлаб қўйган эди.

МУАССИС: Ўзбекистон

Республикаси Алоқа  
Вазирлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ

Мирпўлат МИРЗО

Тоҳир РАҲИМОВ

Ислом УСМОНОВ

(бош муҳаррир

ўринбосари)

Ёқубжон

ХУЖАМБЕРДИЕВ

Бобоҳон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Бўривой АҲМЕДОВ

Воҳид АЪЗАМОВ

Билал АМИНОВ

Шоҳруҳ АҚБАРОВ

Саидмаҳмуд

АҚБАРОВ

Меҳмонкул

ИСЛОМҚУЛОВ

Жамол КАМОЛ

Тўлқин

ЛУТФУЛЛАЕВ

Сафар ОСТОНОВ

Ёқуббек

ЯКВАЛХУЖАЕВ

Нуралӣ ҚОБУЛ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700000,  
Тошкент-35, А. Толстой кў-  
часи, 1.



Телефонлар: 32-36-42,  
32-35-29, 44-29-09.

Индекс: 64600.  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИ-  
ҚАДИ.

Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 оралликда, 5 бетдан ошмаслиг лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.

Тошкент шаҳри,

Буюртма № Г-147.

23020 нусхада босилди.

1 2 3 4 5 6